

# **КЎЧАТ ҚАЛИНЛИГИ ВА ЧИЛПИШ УСУЛЛАРИНИНГ ЎСИМЛИКХЎР ҚАНДАЛАЛАР СОНИГА ТАЪСИРИ**

**Бобоева Нодира Тўхтамишовна - Термиз давлат университети,  
ўқитувчи б.ф.ф.д. (PhD). Сурхондарё, Ўзбекистон**

**Аннотация.** Ушбу тадқиқотда ўсимлиkhўr қандалалар сонига кўчат қалинлиги ва чилпиш усулларининг таъсири ўрганилди. Fўзанинг турли навлари ва кўчат қалинликлари шароитида қандалалар сони ҳамда уларнинг заарланиш даражаси баҳоланди. Олинган натижаларга кўра, кўчат қалинлиги ошиб бориши билан қандалалар сони ҳам ошган. Чилпиш усулларининг қўлланилиши қандалалар сонини камайтиришда самарали бўлган. Энг кам қандала кимёвий чилпишда қайд этилди.

**Калит сўзлар:** қандала, кўчат қалинлиги, чилпиш, fўза, ҳашоратлар, заарланиш

**Аннотация.** В данном исследовании изучено влияние густоты посева и способов пинцировки на численность растительноядных клопов. Оценивалась численность клопов и степень их повреждения на разных сортах хлопчатника при различных густотах посева. Результаты показали, что с увеличением густоты растений численность клопов также возрастала. Применение способов пинцировки эффективно снижало численность клопов, минимальное количество было зафиксировано при химической пинцировке.

**Ключевые слова:** клопы, густота посева, пинцировка, хлопчатник, насекомые, повреждения

## **EFFECT OF SEEDLING DENSITY AND PRUNING METHODS ON THE NUMBER OF PLANT-EATING BUGS**

**Boboyeva Nodira To'xtamishovna - Termez State University, Teacher(PhD).**

**Surkhandarya, Uzbekistan**

**Abstract.** This study investigates the impact of planting density and pinching methods on the population of phytophagous bugs. The number of bugs and the extent of their damage were evaluated in various cotton varieties under different planting densities. Results indicate that increasing planting density led to

a rise in the bug population. The application of pinching methods was effective in reducing bug numbers, with the lowest population observed in chemically pinched variants.

**Keywords:** bugs, planting density, pinching, cotton, insects, damage.

Ўсимликхўр қандалалар қирқдан ошиқ ҳар хил оиласга мансуб бўлган ўсимликларни заарлайди. Қандала сўрувчи ҳашоратлар гуруҳига мансуб бўлиб, ўсимликларни санчиб сўради ва кучли заарлайди. Қандаланинг сони ўсимликлар турига, ҳаво ва тупроқ намлиги ҳамда ҳаво ҳароратига, ўсимликнинг ёшига ва қўлланилган агротехник тадбирларга боғлиқ бўлади.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, агротехник тадбирлардан кўчат қалинлиги ва чилпиш усуллари ўсимликхўр қандалаларнинг сонига ва кўпайишига ҳар-хил таъсир кўрсатиши кузатилди. Қандалаларнинг сонини аниқлашда ҳар бир вариантнинг қайтариқларида 100 дона ўсимлиқда аниқланди.

Олиб борилган тажрибаларда шоналаш даврида қандалалар сонига чилпишни таъсири бўлмаганлиги учун фақатгина кўчат қалинлигини таъсири аниқланди. Бунда назорат сифатида 90 минг кўчат қалинлигига экилган “Бухоро-102” ва 120 минг кўчат экилган “Сурхон-103” ғўза навлари олинган.

Дастлабки кузатишда ўсимликлар ривожи паст бўлганлиги сабабли унчалик фарқ катта бўлмади. Лекин ўсимликнинг ривожи суғориш ва озиқлантиришлар, тупроққа ишлов бериш туфайли жадаллашиши билан қандала сони ҳам ошиб борган.

Ғўзанинг шоналаш даврида турли кўчат қалинликларида қандалалар сони ва заарланган ҳосил элементлари сони аниқланганда ўрта толали “Бухоро-102” ғўза навида қандалалар сони 11-15 донагача ва гуллаш-ҳосил тўплаш даврида 16-20 донагача бўлиб, кўчат қалинликлари ошиб бориши билан қандалалар сони ҳам 2-4 донага ошиб борган. Заарланган ҳосил элементлари сони шоналашда 2,0-2,6 ва гуллаш-ҳосил тўплашда 2,2-2,8 донагача бўлиб, бунда ҳам кўчат қалинликлари ошиб бориши билан ҳосил элементларини заарланиши ортиб борган.

Ингичка толали ғўза навида ўрта толали ғўза навига нисбатан қандалалар сони бирмунча камрок учраб, шоналаш даврида 10-14 дона ва гуллаш-ҳосил тўплаш даврида эса 14-18 дона гача бўлиб, 10-20 минг тупга ошириб бориши билан қандалалар сони ҳам 1-4 дона гача ошиб борган. Қандалалар сони ошиб бориши билан эса заарланган ҳосил элементлари сони ҳам ортиб борган.

Тажрибада ўрта толали ғўза нави учун олинган 90-100 минг туп кўчат қалинлиги билан ишлаб чиқаришдаги 90 минг кўчат қалинлигидаги маълумотлар ўргасида сезиларли фарқ кузатилмади. Ингичка толалиларда ҳам шу қонуният тақрорланди.

Тажрибада кўчат қалинликлари билан биргаликда чилпиш усулларини ҳам таъсири кузатилиб, қандаланинг сонини аниқлаш бўйича ўтказилган кузатишлар 2020 йилда 20 июль, 1 август ва 11 август муддатларда ўтказилди. Кузатув натижаларига кўра нисбатан қандалалар жорий йилнинг август-сентябр ойларида июл ойига нисбатан қўпроқ кузатилди.

Олинган натижаларга кўра, ўрта толали ғўза навида қандалалар сони 20 июлда 2-13 дона; 1 августда 5-18 дона ҳамда 11 август да 7-24 дона гача бўлганлиги кузатилиб, қандалалар сонига кўчат қалинлигини таъсири ўрганилди. Ўрта толали “Бухоро-102” ғўза нави икки хил кўчат қалинлигига парваришланганда сентябр ойи ҳолатида қандалалар сони 7-24 дона гача аниқланиб, ўсимлик гектарига 90-100 минг туп кўчат экилганда 7-22 дона гача қандала аниқланди. Ўсимлик гектарига 110-120 минг туп кўчат бўлганда қандалалар сони 10-24 дона гача бўлиб, кўчат сони ошиши билан 2-3 дона гача кўпайганлиги кузатилди.

Қандалалр сонига кўчат қалинлиги билан бир қаторда чилпиш усулларининг ҳам таъсири ўрганилганда ғўзанинг ўрта толали “Бухоро-102” нави гектарига 90-100 минг туп қалинликда экилган фонда турли чилпиш усулларида парваришланганда сентябр ойи ҳолатида қандалалар сони 7-22 дона бўлиб, энг кўп қандала чилпиш ўтказилмаган назорат вариантида 22 дона борлиги аниқланди. Кўлда чилпиш ўтказилганда қандала сони бироз

камайиб, 15 донани ташкил этди. Энг кам қандала энто жеан препарати ёрдамида кимёвий чилпиш ўтказилган варианта 7 дона аниқланиб, назоратга нисбатан 15 дона гача кам қандала учради.

Ингичка толали ғўза навида ўрта толали ғўза навига нисбатан қандалалар сони бирмунча камрок учради. Ингичка толали ғўза навида кўчат қалинлиги гектарига 120-130 минг туп бўлганда қандалалар сони 5-19 дона ва кўчат сони гектарига 10-20 минг тупга оширилганда 9-23 дона гача бўлиб, 3-4 дона гача кўп учради.

Чилпиш усулларини қандалалар сонига таъсири ингичка толали ғўза навларида ҳам ўрганилди. Ингичка толали “Сурхон-103” ғўза нави гектарига 120-130 минг туп кўчат қалинлигига турли чилпиш усулларида парваришиланганда қандалалар сони 5-19 дона бўлиб, энто жеан препарати ёрдамида кимёвий чилпиш ўтказилган варианта қандалалар сони кам учради. Ушбу вариантдаги қандалалар сони чилпиш ўтказилмаган назорат вариантидан 14 дона; кўлда чилпиш ўтказилган вариантидан 6 дона кам бўлганлиги кузатилди.

Тажриба даласида қандалалар сони йиллар бўйича таҳлил қилинганда ҳар иккала навда ҳам 2018 йилда нисбатан кўпроқ бўлиб, ўрта толали ғўза нави парваришиланган далада 15-31 дона ва ингичка толали ғўза нави парваришиланган майдонларда 11-28 дона; 2019 йилда 10-28 ва 8-26 дона бўлганлиги кузатилган бўлса, 2020 йилга келиб қандалар сони 5-6 дона гача камайиб борган. Яъни, ўрта толалиларда 7-24 дона ҳамда ингичка толалиларда 5-23 дона қандала борлиги аниқланган.

Демак, ўрта ва ингичка толали ғўза навлари парваришиланаётган майдонларда қандалалар сонини камайтириш учун ўрта толали навларни 90-100 минг туп/га ва ингичка толали навларни 120-130 минг туп/га кўчат қалинлигига парваришилаб Энто жеан препарати ёрдамида кимёвий чилпиш ўтказиш мўл пахта ҳосили олишга замин яратади.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Boboeva N. T. et al. The fight against avena fatua in the middle of a wheat field //International Journal on Integrated Education. – T. 3. – №. 2. – C. 62-64.
2. Суллиева С. Х., Бобоева Н. Т., Зокиров К. Г. Виды и сорта хризантем //Экономика и социум. – 2019. – №. 10 (65). – С. 315-317.
3. Negmatova S., Boboeva N. Effect of agrotechnical measures on cotton yield in cultivation of medium-fiber cotton varieties //Academic International Conference on Multi-Disciplinary Studies and Education. – 2023. – T. 1. – №. 6. – С. 147-150.
4. Boboeva N. T. Negmatova ST Effects of Improved Agrotechnical Measures on Harmful Harvesting of Medium-Fiber Cotton Varieties //Texas Journal of Multidisciplinary Studies. SJIF Impact Factor. – 2021. – T. 5.
5. Boboeva N. et al. The influence of agrotechnical measures on the damage of boilers in the cultivation of strong cotton varieties //Journal of Pharmaceutical Negative Results. – 2022. – С. 3170-3175.
6. Kholmatov B. R., KhalillaevSh.A., Musaev D.M. Form of membership of bugs Hemiptera, which belong to the family Miridae and their some biological properties in condition of Tashkent region // European science review Scientific jurnal. – Vienna, 2016. – Vol. 4. – Issue 5-6. – P. 112–117.
7. Zokirov, I.I., Azimov, D.A. (2019). The Fauna of Insects of Vegetables and Melons of Central Ferghana, Especially Its Distribution and Ecology. International Journal of Science and Research (IJSR). Vol. 8. Issue 8. Rp. 930-937.
8. Zokirov, I.I., Khusanov, A.K., Kuranov, A.D. (2019). Faunistic analysis of Central Ferghana's vegetable and melon crops insects. Ilmiyxabarnoma. 4. Pp. 38-47.
9. ZHI Xiao-yu, HAN Ying-chun. Effects of plant density on cotton yield components and quality. Journal of Integrative Agriculture. 2016, 15 (7): 1469-1479
10. Фозилов III. М. Периодичность роста и формирования урожая у внутривидовых форм пшеницы //Интернаука. – 2019. – №. 45-1. – С. 18-20.